



20 19 yil « 08 » август

210 – К -sonli

Samarqand sh.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 30 июлдаги “Республика
иктисодиёти тармоқлари ва ижтимоий
соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида
барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни
таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-4407-сонли қарори ижросини
таъминлаш ҳақида

Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, кўп квартирали турар жой фонди ва
ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор
ишлашга ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги
“Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар
куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4407-сонли қарори ижро учун қабул
қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) вилоят иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини
2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича
қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар 1-иловага
мувофиқ:

вилоят иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини
барқарор ишлашга тайёрлаш;

ёқилғи-энергетика тармоғининг барқарор фаолият кўрсатишини
таъминлаш;

кўп квартирали турар жой фондини барқарор ишлашга, аҳоли ва

истеъмолчиларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлашга тайёрлаш;

ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш:

б) асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш параметрлари 2-иловага мувофиқ;

в) асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш параметрлари 3-иловага мувофиқ;

г) ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 4-иловага мувофиқ;

д) кўп квартирали турар жой фондини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 5-иловага мувофиқ;

е) 2019/2020 йиллар куз-қиш даврига кўмир маҳсулотлари ғамлаш ва техник туз тайёрлаш, шунингдек, суюлтирилган газни ҳудудлар бўйича етказиб бериш параметрлари 6-иловага мувофиқ;

ж) вилоят иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси (кейинги ўринларда вилоят комиссияси деб аталади) таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вилоят комиссияси:

а) бир ой муддатда вилоят иқтисодиёти тармоқларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича бажарилган ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп квартирали уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида жойлардаги ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

б) ўрганиш натижалари бўйича:

тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар бўйича — вилоят ҳокимининг ўринбосарлари томонидан:

ҳар бир туман ва шаҳар бўйича тегишли бошқарма, корхона ва ташкилотлар билан келишган ҳолда шаҳар ва туманлар ҳокимлари

томонидан ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс тадбирларни амалга оширишнинг батафсил тармоқ жадваллари ишлаб чиқиши ва тасдиқланишини, шунингдек, вилоят иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

3. Шаҳар ва туманлар ҳокимлари раҳбарлигида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ҳудудий комиссияларни ташкил этсинлар.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, Р.Қобилов) тегишли бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимлари зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий масъулият юклансин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), шаҳар ва туман ҳокимликлари:

шаҳар ва туманлар, айниқса, кишлоқ туманларида ижтимоий соҳа объектларини, кўп квартирали уйларни куз-қиш даврига тайёрлашни, автомобиль йўллари, кўчалар ва умумий фойдаланиладиган жойлар, лифт ускуналари, марказлаштирилган ва маҳаллий қозонхоналар, иссиқлик, сув қувири ва канализация тармоқлари, маҳаллалар ҳудудларининг санитария ҳолати талабларига мувофиқ тартибга келтирилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари ғамланишини жойларга чиқиб шахсан назорат қилинишини;

назорат натижалари бўйича объектларни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ҳамда уларнинг шахсий масъулиятини ошириш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминласин.

6. “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (М.Пардаев) Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали (Х.Бобомуродов) билан биргаликда куз-қиш даврида ёқилғи-энергетика ресурслари, электр энергияси етказиб бериш, трансформатор подстанцияларини таъмирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашга боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш ва камчиликларни бартараф этиш учун жойларга чиқиб, аҳоли билан шахсан учрашувлар ўтказсин.

7. “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (М.Пардаев), Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали

(Х.Бобомуродов), “Темирйўленилғитаъмин” Самарқанд бирлашган ёнилғи омбор хўжалиги (Ф.Хусаинов) раҳбарлари асосий ёқилғи-энергетика ресурслари ва кўмир маҳсулотлари барча тоифадаги истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб берилиши бўйича тadbирлар сўзсиз бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсин.

8. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Р.Қобилов) жойларга чиқиб, ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш, уларнинг санитария ва ободонлаштириш талабларига мувофиқлигини таъминлаш ишларини ташкил этсин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Х.Назаров) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 сентябргача бўлган муддатда:

2018/2019 йиллар қиш-баҳор даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлашда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш асосида аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб шаҳар ва туманлар бўйича 2019/2020 йиллар қиш-баҳор даври учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ғамлашнинг реал ҳажмларини белгиласин, бунда, нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи, қарам, гуруч ва дуккакли эканлар маҳсулотларини ғамлашга алоҳида эътибор қаратилсин;

ғамланиши керак бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини сақлашнинг зарур шароитларини таъминлаш ва ғамлашнинг тўлиқлиги ҳамда маҳсулотларнинг зарур тарзда сақланиши учун масъул шахсларни белгилаш бўйича аниқ таклифларни вилоят ҳокимлигига белгиланган тартибда киритсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Р.Саттаров) жойларга чиққан ҳолда, кўп хонадонли уйлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини куз-қиш даврида барқарор фаолият юритишига тайёрлигини, марказлаштирилган ва жойлардаги маҳаллий иситиш қозонхоналари, иссиқлик, ичимлик суви ва канализация тармоқлари, маҳалла ҳудудларининг санитария ҳолати тартибга келтирилганлигини шахсан назоратга олиб, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

11. Вилоят комиссияси аъзолари иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида тизимли ахборот берилишини таъминласин.

Президентининг 2018 йил 12 июлдаги “Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3849-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 485-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, Р.Қобилов) иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича доимий мониторинг юритиб, муҳокама қилиб борсинлар.

14. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов



2019-2020 йиллар куз-киш мавсумида вилоят иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
I. 2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида вилоятнинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳасида барқарор ишлашга тайёргарлик кўриш бўйича таъкилий чора-тадбирлар			
1.	Чора-тадбир ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (масъул шахсларни аниқлаш ва ҳар бир иш бўйича муддатлар белгилаш) бўйича: Шаҳарлар, туманлар, аҳоли пунктларини, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотларини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотларини, ижтимоий соҳа муассасаларини 2019/2020 йиллар куз-киш мавсумига уларнинг муаммосиз ишлашини таъминлаш учун таъмирланган қозонхоналар ва муҳандислик тузилмаларини тайёрлаш; Аҳолини суюлтирилган газ (озик-овқатларни тайёрлаш учун), кўмир ва кўмир брикетлари билан узлуксиз таъминлаш (ушбу қарорнинг 6-илоvasи), шунингдек, етказилиши қийин бўлган узок масофалардаги аҳоли пунктларида яшовчи аҳолилар учун ичимлик сувининг муқобил манбалари (шу жумладан, олиб келинадиган сув) билан таъминлаш.	2019 йил 20 августгача	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали, “Сувокова” ДУК, “Темирўёленилгитаъмин” Самарқанд бирлашган ёнилги омбор хўжалиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари
2.	Ўтган иссиқ давр мобайнида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш билан, аҳолини ва ижтимоий соҳа объектларини табиий газ, электр энергияси ва иссиқлик таъминоти билан кафолатли таъминланиши бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 августгача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали
3.	Иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-киш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ нефть, газ конденсати, нефть	2019 йил 20 августгача	“Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ,

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
	махсулотлари, суюлтирилган газ, кўмир ва кўмир брикетларини, туз ва бошқа юкларни ташишнинг узлуксизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.		Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали, “Темирўлғенилгитаъмин” Самарқанд бирлашган ёнилги омбор хўжалиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари
4.	Аҳолига суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича ойлик жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 20 августгача	Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали шаҳар ва туман ҳокимликлари
5.	2019 йил 1 октябргача икτισодиёт тармоқларига техник тузни етказиб бериш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 20 августгача	Шаҳар ва туман ҳокимликлари
6.	Кафолагланган табиий газ билан таъминлаш, мақсадли фойдаланиш ва худудлардаги истеъмолчиларни газ билан таъминлашни яхшилаш учун газ таъминоти кискартирилган худудлар доирасида газ тармоқлари ва газ тақсимлаш пунктларини демонтаж қилиш бўйича тегишли қарорлар тайёрлаш.	2019 йил 20 августгача	Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали шаҳар ва туман ҳокимликлари
7.	Маҳаллий газдан фойдаланиш билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича кенг камровли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2019 йил 20 августгача	Шаҳар ва туман ҳокимликлари, ФВБ, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали
8.	Уй-жойлар ва кўчаларда кичик ирригация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. 2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида газ етказиб беришдаги чекловлар ва ута совук кунлардаги камайиши мумкин бўлган газ ҳажми, улгуржи истеъмолчилар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 20 августгача	Шаҳар ва туман ҳокимликлари, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали
9.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини табиий газ билан барқарор таъминлаш мақсадида, 2019 йилнинг 1 октябридан 2020 йил 1 апрелигача бўлган мавсумда табиий газ тармоғидан узилиши керак бўлган, яъни табиий газ таъминоти кафолагланмаган истеъмолчилар рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 1 сентябргача	Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали шаҳар ва туман ҳокимликлари
10.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида энергия истеъмолининг максимал кучланиш вақтида электр энергиясини дифференциялаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябргача	“Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқармалар ва ташкилотлари

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
11.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида электр энергияси ва газ таъминоти тармоқларидан узилиши мумкин бўлмаган тоифалашган ва ута муҳим объектларининг рўйхатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2019 йил 1 сентябргача	Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали
12.	Сув ва канализация тармоқларини таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 августгача	Вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Сувокова” ДУК
13.	Мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда камчиликларга йўл қўйган бошқарма, корхона ва ташкилот раҳбарлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш.	Доимий	Вилоят телевидениеси, “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган тахририяти
II. 2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида ёқилғи-энергетика комплексини барқарор ишлашга тайёргарлиги бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш			
14.	2019 йил октябрдан 2020 йил апрелгача бўлган даврида ишлаб чиқариш ва газ таъминотидаги мувозанатни ҳисобга олган ҳолда вилоят аҳолиси ва улгуржи истеъмолчиларига табиий газ етказиб беришнинг келишилган ойлик жадвалини ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 августгача	“Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали шаҳар ва туман ҳокимликлари
15.	Аҳолини кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш (қарорнинг 6- иловаси)	2019 йил 1 декабргача	“Темирйўл ёқилғи таъмин” Самарқанд бирлашган ёқилғи омбор хўжалиги шаҳар ва туман ҳокимликлари
16.	Келгуси куз-киш мавсумида табиий газ етказиб беришнинг танқис бўлиши, суюлтирилган газ миқдорининг тақсимланишидаги туманлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктлари, тасдиқланган туманлар ва шаҳарлар рўйхатларидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланган манзилли рўйхатига ва суюлтирилган газ етказиб беришнинг ойлик жадвалларига мувофиқ амалга ошириш.	2019 йил 1 октябрдан 2020 йил 1 апрелгача	Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали, Шаҳар ва туман ҳокимликлари
17.	Куз-киш мавсумида аҳоли эҳтиёжлари учун табиий газни чиқариш билан боғлиқ қозонхоналарда захира ёқилғида узлуксиз ишлашини таъминлаш учун союқ ва қаттиқ ёқилғиларнинг зарур захиралари ташкил этиш (қарорнинг 6-илоvasи).	2019 йил 1 ноябргача	Шаҳар ва туман ҳокимликлари, “Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали, “Темирйўл ёқилғи таъмин”

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
18.	Аҳолини суюлтирилган газ ва кўмир билан таъминлаш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида кенг ахборотни тарқатиш ва аҳоли ўртасида фаол тушунтириш ишларини ташкил этиш.	Хар ойнинг 10 санаси	Самарқанд бирлашган ёнилғи омбор хўжалиги Вилоят телевидениеси, “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган тахририяти, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти ҳудудий филиали, “Темирйўл ёнилғи таъмин” Самарқанд бирлашган ёнилғи омбор хўжалиги
III. 2019/2020 йиллар куз-киш даврида кўп хонадонли уй-жой фондидини барқарор ишлаш учун тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш			
19.	Куз-киш мавсумига тайёргарлик бўйича тасдиқланган катъий дастурларни сўзсиз бажариш бўйича хар бир хусусий уй-жойлар ва маҳаллаларга бириктирилган Давлат санитария-эпидемиология назорати ҳудудий инспектори, солиқ инспектори, Вилоят ҳудудий марказлари вакиллари, вазирликлар, идоралар ва тижорат банкларининг масъул мансабдор шахслари билан биргаликда бевосита ишларни ташкил этиш, ижросини таъминлаш учун: Уй-жой фондидини кўп хонадонли уйлардан техник фойдаланиш нормалари ва қоидаларига мувофиқ техник жиҳатдан соғлом ҳолда сақлаб туриш; кўп хонадонли уйларни санитария ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинишини сақлаган ҳолда уй-жой бинолари аппаратлари ва ускуналарининг узлуксиз ишлаши; кўп хонадонли уйларни мунтазам текшириш ва жорий таъмирлаш, уй-жой жиҳозларининг юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни ва авария ҳолатларини бартараф этиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг хар бир раиси (маҳалла раиси, домкомлар, хонадон эгалари) фаолиятини тасдиқланган мезонларга асосланиб, фаолиятининг баҳосини ҳисобга олган ҳолда кейинчалик раҳбарларни умумий йиғилишларда эгалаб турган лавозимидан алмаштириш ва сайланмаслик билан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини оптимallasштириш. Ихтисослаштирилган ўқув юртларида қайта тайинланган ва янги тайинланган	Тасдиқланган тармок жадвалларига асосан	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, Марказий банк ва тегишли тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
	хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раисларини ўқитиш ва малакасини ошириш; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ҳисоботларини жамоатчиликка доимий равишда кўриб чиқиш тизимини жорий этиш.		
20.	Худудларда Ободонлаштириш бўлимлари учун кўчаларни таъмирлаш ва муз шаклланишининг олдини олиш учун зарур моддий-техник ресурслар ва жиҳозларни харид қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Коммунал хизматлар ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларида авария-тиклаш ва диспетчерлик хизматларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 августгача 2019 йил 20 августгача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
21.	Кўп хонадонли уй-жойлар, бинолар ва иншоотларнинг ёнган хавфсизлиги техник стандартларига мувофиқлигини ҳолатини ўрганиш.	2019 йил 1 сентябргача	Шаҳар ва туман ҳокимликлари, ФВБ
22.	Кўп хонадонли уй-жойлар куз-қиш мавсумига тайёрлашда барча шамоллатиш тизимларини таъмирлаш, изоляциялаш ва тозалаш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
23.	Иссиқлик энергиясини олмайдиغان кўп хонадонли уйлarning сонини аниқлаш. Иссиқлик энергиясини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш. Бино ва иншоотларда ички иситиш тизимларини текшириш ва соzлаш. Зарур бўлганда, қувурларнинг алоҳида бўлимларини ва иситиш ускуналарини алмаштириш.	2019 йил 20 августгача 2019 йил 1 ноябргача 2019 йил 15 сентябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
24.	Лифт бирликларини профилактик таъмирлаш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш (валфлар ва ванналарни таъмирлаш ёки алмаштириш, мулкларни тозалаш, манометр остидаги ванналарни таъмирлаш ёки алмаштириш, термометр остидаги гильзаларни тозалаш ва ёғ тўлдириш, назорат валфини олиш ва қайта йиғиш, лифт бирлигини бўёқлаш). Иссиқлик таъминоти ташкилотининг вакили билан биргаликда лифт иншоотларининг профилактикаси ва таъмирлаш ишларини бажариш ва ишларни қабул қилиш бўйича актларни расмийлаштириш. Биноларнинг ички иситиш тизимини гидронефматик усул билан ювиш. Лифт	2019 йил 1 сентябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
	мажмуасидаги дизайндаги торайиш мосламаларини ўрнатиш.		
25.	Шаҳарлар ва туманлардаги кўп хонадонли уйларни таъмирлаш бўйича зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. Жорий йилда, тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлар, хизмат ташкилотлари ва бошқарув компанияларининг реал эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда имтиёзли кредитларни ажратишга кўмаклашиш. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш мониторингни ўтказиш.	2019 йил 1 октябргача Доимий	Марказий банк ва тегишли тижорат банклари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
26.	Кўп квартиралли турар жой фондини 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш. (қарорнинг 5-илоvasи)	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
27.	Бино ва иншоотларнинг самарали ишлаши амалдаги қонун ва қоидаларга мувофиқ кўп хонадонли уй-жойлар биноларини мукаммал ва жорий таъмирлаш учун тижорат банклари кредитлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва хайрия ташкилотлари маблағлари орқали молиявий ресурсларни ажратиш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
28.	Сув таъминоти ва канализация тармоқларини капитал ва жорий таъмирлашни таъминлаш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Сувокова” ДУК, шаҳар ва туман ҳокимликлари
29.	Қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган чора-тадбирларга мувофиқ кўп хонадонли уй-жой фондини ўз вақтида ва сифатли таъмирланишини мониторинг қилиш, шунингдек соҳада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича зарур чораларни кўриш.	Доимий	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
30.	Кўп хонадонли уй-жойлар биноларини қишга фойдаланишга тайёрлашни тугатиш. Иссиқлик тармоқларини изоляциялаш бўйича режалаштирилган ишларни бажариш, турар-жой бинолари учун иссиқлик таъминоти сифатини яхшилаш бўйича тадбирларни амалга ошириш, коммунал, иссиқлик станциялари жойлашган пойдеворлар ва чодирларни, кириш эшикларни тўғри ёпилиши ва изоляциясини таъминлаш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
IV. Аҳоли ва истеъмолчиларни иссиқлик энергиясини узлуксиз таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш			
31.	Қарорнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ қозонхоналар ва иситиш тармоқларини мукаммал ва жорий таъмирлаш, иссиқлик тармоқларини изоляция	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси,

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
	қилиш бўйича манзилли рўйхатларини “Саноатгеоконтехназорат” ДИ, “Ўздавэнергоназорат” ДИга киритиш.		шаҳар ва туман ҳокимликлари
32.	Ёнгин гидрантларининг норма ва ёнгин хавфсизлик талабларига жавоб беришligини текшириш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
33.	Қозонхоналарни мукамал ва жорий таъмирлаш (агар керак бўлса эскирган ва самарасиз қозонларни алмаштириш) куз-киш мавсумида ишлашга тайёрлиги тўғрисида тегишли актлар тузиш, сертификатланган қозонлардан фойдаланишга алоҳида эътибор берган ҳолда. (2 ва 3 иловалар).	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
34.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида барқарор ишлаш учун асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни капитал ва жорий таъмирлаш, шу жумладан:	2019 йил 1 октябргача	
	Қозонхоналарни, иситиш мосламаларини ва иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқларини таъмирлаш (2019 йил Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлари);	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари, “Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ, Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали, “Сувокова” ДУК
	Марказлашган ва маҳаллий қозонхоналарни ва иситиш тармоқларини сақлаш, шунингдек, иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқларини изоляциялаш (ташкилотларнинг шахсий маблағлари ва маҳаллий бюджетнинг қўшимча маблағлари)	2019 йил 1 октябргача	
	Сув таъминоти тармоқларини капитал ва жорий таъмирлаш (сув таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан);	2019 йил 1 октябргача	
	Газ тармоқларини таъмирлаш ва газ тақсимлаш пунктларини қайта кўриб чиқиш (газ таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан);	2019 йил 1 октябргача	
	Электр тармоқлари ва трансформатор подстанцияларини капитал ва жорий таъмирлаш (энергия таъминоти ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан);	2019 йил 1 октябргача	

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
35.	Техник талабларга мос келмайдиган қозонларни ўчириш билан ташиқлотларда мавжуд қозон ускуналари ва иситиш тармоқларининг ишлаш техник талабларига мувофиқлигини текшириш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Ўзэнергоназоратинспекция”си вилоят бўлими, “Ўздавнефтегазинспекцияси” Самарқанд вилоят бўлими
36.	Иссиқлик тармоқларини мукамал ва жорий таъмирлаш, иссиқлик магистралларининг изоляциясини тиклаш, уларни “Ўзэнергоназоратинспекция”нинг вилоят бўлимида куз-киш мавсумида ишлашга тайёрлиги тўғрисида тегишли далолатнома тузиш учун тақдим этиш.	Таъмирлаш- тиклаш ишлари тутаганидан кейин 5 иш кун ичида	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
V. Куз-киш мавсумида барқарор ишлаш учун ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш			
37.	Бино ва иншоотларни таъмирлаш, хусусан, ижтимоий соҳа объектларининг муҳандислик коммуникациялари бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш. Қишлоқ жойларда жойлашган ижтимоий соҳа объектларидаги мавжуд санитария қондалари, меъёрлари ва гигиена стандартларини ҳисобга олган ҳолда, зарур бўлган қурилиш материалларини (рубероид, битум, шифер, шиша ва бошқалар) ушбу ташиқлотларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган маблағлар доирасида харид қилиш.	Тасдиқланган тармоқ жадвалларига асосан	Вилоят Халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабгача таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
38.	Табиий газ етишмаслиги ёки янги қозонларни алмаштирилиши қутилаётган жойларда жойлашган ижтимоий объектларда кўмир ёқилғисига мослаштириш учун идоралараро мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш, кўмир билан қўшимча таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ойлик жадвалларни ишлаб чиқиш.	2019 йил 20 августгача	Вилоят халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабгача таълим бошқармалари, олий ўқув юртлари, “Темирўленилгитаъмин” Самарқанд бирлашган ёнилиги омбор хўжалиги шаҳар ва туман ҳокимликлари
39.	Ижтимоий объектлар учун сертификатланган иситиш қозонларини ишлаб чиқариш учун мавжуд эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш.	2019 йил 15 августдан бошлаб	Вилоят халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабгача таълим бошқармалари, олий ўқув

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
40.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида барқарор ишлаш учун ижтимоий соҳа объектларининг қозонхона жиҳозларини капитал ва жорий таъмирлашни, уларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш параметрларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш. (4-илова)	2019 йил 1 сентябргача	юртлари, Молия бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари Вилоят халқ таълими бошқармаси, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабгача таълим бошқармалари, олий ўқув юртлари, Молия бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
41.	Ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш, шу жумладан: Халқ таълими, МТМ- болалар боғчалари, мактаблар, болалар уйлари; Маданият- мусика ва санъат мактаблари; Спорт - болалар спорт мактаблар ва мактаблар; Ўрта махсус, касб-хунар таълими- ўрта махсус касб хунар коллежлари; Соғлиқни сақлаш- соғлиқни сақлаш муассасалари, “Мурувват” ва “Саховат” интернат-уйлари, реабилитация марказлари, уруш фахрийлари учун санатория ва интернат уйлари;	2019 йил 1 сентябргача	Вилоят халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабгача таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари, Молия бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
42.	Умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида иситиш тизимлари ва қозонларини тиклаш.	2019 йил 1 сентябргача	Вилоят халқ таълими бошқармаси, Мактабгача таълим бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
43.	Ижтимоий соҳа объектларини иссиқлик билан таъминлаш сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, коммунал ва иссиқлик пунктлари жойлашган подвал ва чодирларни текширишни ташкил этиш, ташқи иситиш тармоқларини изоляциялашни таъминлаш, биноларнинг деворлари қаватлар ва панеллар ораларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ҳар бир пунктга кириш йўллари асфальтлатиш ва пиёдалар йўлакларини таъмирлаш.	2019 йил 1 октябргача	Вилоят халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими, мактабгача таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари, Молия бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
44.	Мавжуд иситиш қозонларини кўмирга ишлагга ўз вақтида мослаштириш бўйича идоралараро мақсадли дастурларни амалга оширишни таъминлаш.	2019 йил 1 октябргача	Вилоят халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунаар таълими, мактабгача таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари, “Темирўйленлгтаъмин” Самарқанд бирлашган ёнилги омбор хўжалиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари
45.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида барқарор ишлаш учун ижтимоий соҳа объектларини капитал ва жорий таъмирлаш.	2019 йил 1 сентябргача	Вилоят халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-хунаар таълими, мактабгача таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари, Молия бош бошқармаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари
46.	Ижтимоий соҳа объектларни мавжуд эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шаҳар ва туманларнинг кишки маҳаллий бюджетларига тайёргарлик кўриш учун 2019 йил учун Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрлари доирасида назарда тутилган зарур молиявий манбалар билан таъминлаш.	2019 йил 20 августгача	Вилоят Молия бош бошқармаси Халқ таълими бошқармаси, Соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўрта махсус, касб-хунаар таълими, Мактабгача таълим бошқармаси, олий ўқув юртлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари
VI. Чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш			
47.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида вилоят иқтисодиёт тармоқлари барқарор ишлагга тайёрлаш борасидаги ишларни комиссия томонидан кўриб чиқиш.	Ҳар ойда	Вилоят комиссияси
48.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумига объектларни тайёрлаш ишлари тўғрисида маълумотларни ҳудудий комиссиялар томонидан кўриб чиқиш ва тақдим этиш.	2019 йил 15 августдан бошлаб ҳар кун	Вилоят комиссияси, шаҳар ва туман ҳокимликлари

№ т/р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Маъсул ижрочилар
49.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумида вилоят иқтисодиёт тармоқларини барқарор ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ масалаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.	Доимий	Вилоят телевидениеси, “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти
50.	2019/2020 йиллар куз-киш мавсумига тайёргарлик бўйича амалга оширилган ишларни танқидий таҳлил қилиш асосида ишчи гуруҳ раҳбарлари томонидан селектори йиғилишларини ўтказиш ва бошқарма, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаш.	Ҳар 10 кунда	Вилоят ҳокимлиги

Ижрочи:

Вилоят ҳокимининг ўринбосари
котибияти мудири

Ж.Коржавов



Асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб- ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-киш даврида
барқарор ишлашга тайёрлаш ва мукаммал таъмирлаш
ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Туман (шаҳар)лар номи	Марказий қозонхоналар (дона)		Локал қозонхоналар (дона)		Қозонлар (дона)		Иссиқлик тармоқлари (км)		Сув тармоқлари (км)		Газ тармоқлари (км)		Электр тармоқлари (км)		Трансформатор пунктлари (дона)	
		Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18
1	Самарқанд шаҳри	10	2	12	2	57	8	131	1,3	792,53	1,60	1715,6	2,7	2292,3	351,15	816	69
2	Қаттақўрғон шаҳри	0	0	0	0	0	0	0	0	352,73	1,80	335,1	0,0	533,86	51,8	256	21
3	Булунгур тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	86,86	1,10	473,8	0,8	1418,04	128,85	502	47
4	Жомбой тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	117,82	0,30	476,5	0,0	1376,37	164,6	395	41
5	Иштихон тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	122,95	2,00	396,3	0,0	1350	126,9	658	51
6	Қаттақўрғон тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	111,86	1,50	434,8	8,0	1502,1	137,5	648	53
7	Қўшрабат тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	216,91	0,20	353,6	0,0	150,4	188,2	525	42
8	Нарпай тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	78,86	1,20	292,6	0,0	987,84	99,4	468	38
9	Нуробод тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	145,10	1,80	577,2	0,0	1820,6	198,6	408	28
10	Оқдарё тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	201,42	0,30	501,2	0,0	1216,26	106,6	429	35
11	Пастдарғом тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	234,15	0,90	892,5	1,3	1985	228,6	552	53
12	Пахтачи тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	315,66	5,90	459,3	0,0	1112,2	120,2	444	33
13	Пайарик тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	438,71	5,30	1072,1	0,0	2035,97	188	597	53
14	Самарқанд тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	269,51	1,60	418,4	0,0	1899,1	198,4	682	60
15	Тайлоқ тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	138,08	0,35	285,3	0,0	1159,09	131,8	558	37
16	Ургут тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	369,36	2,40	364,4	0,0	1800,6	214,7	987	89
	Вилоят бўйича:	10	2	12	2	57	8	131	1,3	3992,51	28,25	9048,7	12,8	22639,7	2635,3	8925	750

Ижрочи: Вилоят ҳокимининг ўринбосари
қотибияти муdiri
Ж.Каржавов


Асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-киш даврида
барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Туман (шаҳар)лар номи	Марказий қозонхоналар (дона)		Локал қозонхоналар (дона)		Қозонлар (дона)		Иссиқлик тармоқлари (км)			Сув тармоқлари (км)		Газ тақсимлаш қўтилари (дона)		Электр тармоқлари (км)		Трансформатор пунктлари (дона)	
		Жами	шундан, жор. таъмир.	Жами	шундан, жор. таъмир.	Жами	шундан, жор. таъмир.	Жами	шундан		Жами	шундан, жор. таъмир.	Жами	шундан, жор. таъмир.	Жами	шундан, жор. таъмир.	Жами	шундан, жор. таъмир.
									жорий таъмир.	изоляция- циллаш								
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
1	Самарканд шаҳри	10	3	12	8	57	3	131,0	1,4	0,4	792,53	1,75	2344	2344	2292,3	1705,6	816	525
2	Қаттақўрғон шаҳри	0	0	0	0	0	0	0	0	0	352,73	4,30	320	320	533,86	441,4	256	251
3	Булунгур тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	86,86	0,20	212	212	1418,04	1021,4	502	424
4	Жомбой тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	117,82	0,50	338	338	1376,37	1040,1	395	341
5	Иштихон тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	122,95	3,40	337	337	1350	945,6	658	452
6	Қаттақўрғон тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	111,86	1,00	458,0	458,0	1502,1	1300,4	648	554
7	Қўшработ тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	216,91	0,50	233	233	150,4	55	525	441
8	Нарпай тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	78,86	0,70	244	244	987,84	845,7	468	341
9	Нуробод тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	145,10	2,00	269	269	1820,6	1508,4	408	350
10	Оқдарё тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	201,42	0,50	554	554	1216,26	962,1	429	357
11	Пастдарғом тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	234,15	0,55	817	817	1985	1584,1	552	517
12	Пахтачи тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	315,66	1,10	480	480	1112,2	928,4	444	341
13	Пайарик тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	438,71	3,40	626	626	2036	1805,4	597	551
14	Самарканд тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	269,51	1,10	419,0	419,0	1899,1	1704,1	682	548
15	Тайлоқ тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	138,08	0,85	321	321	1159,09	958,8	558	441
16	Ургут тумани	0	0	0	0	0	0	0	0	0	369,36	1,65	422	422	1800,6	1305,3	987	706
	Вилоят бўйича:	10	3	12	8	57	2	131,0	1,4	0,4	3992,51	23,50	8394	8394	22639,7	18111,8	8925	7140

Ижрочи: Вилоят ҳокимининг ўринбосари
қотибияти мудири

Ж.Каржавов



Ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

№	Туман (шаҳар)лар номи	Маукаммал таъмир*										Жорий таъмир					
		Умумтаълим мактаблари (дона)		Меҳрибонлик уйлари ва маҳсуслар интернатлар "Баркамол авлод" (дона)		Болалар боғчаси (дона)			Касалхоналар ва поликлиникалар (дона)		Умумтаълим мактаблари (дона)	Меҳрибонлик уйлари ва маҳсуслар интернатлар "Баркамол авлод" (дона)	Мусика санъат мактаблари (дона)	Болалар боғчаси (дона)	"Саховат" ва "Мурувват" уйлари	Касалхона ва поликлиникалар (дона)	
		Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	шундан, мук. таъмир.	Жами	изоляцияциялаш	11	12	13	14	15			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15			
1	Самарқанд шаҳри	77	0	9	0	97	1	49	0	3	2	2	7	1	3		
2	Қаттақўрғон шаҳри	17	0	2	0	21	0	3	0	7	0	0	11	0	0		
3	Булунғур тумани	66	0	1	0	28	0	12	0	9	0	1	5	0	0		
4	Жомбой тумани	56	0	1	0	29	0	14	0	15	0	1	12	0	0		
5	Иштихон тумани	93	0	1	0	25	0	14	0	3	0	0	13	0	0		
6	Қаттақўрғон тумани	100	0	1	0	58	0	14	0	6	0	2	15	0	0		
7	Қўшрабoт тумани	88	0	1	0	17	0	14	1	5	0	0	0	0	0		
8	Нарпай тумани	68	0	1	0	54	0	8	0	9	0	0	12	0	0		
9	Нуробод тумани	76	0	1	0	7	0	15	0	1	0	0	0	0	0		
10	Оқларё тумани	55	0	2	0	27	0	11	0	2	0	0	10	0	0		
11	Пастдарғом тумани	125	0	1	0	61	0	21	0	4	0	0	11	0	0		
12	Пахтачи тумани	47	0	1	0	37	2	13	0	6	0	1	6	0	0		
13	Пайарик тумани	99	0	1	0	43	0	19	0	5	0	0	8	0	0		
14	Самарқанд тумани	54	0	1	0	35	0	12	0	3	0	2	11	0	0		
15	Тайлоқ тумани	58	0	1	0	42	0	10	0	18	0	0	6	0	0		
16	Ургут тумани	135	0	1	0	45	1	24	0	12	0	0	15	1	0		
	Вилоят бўйича:	1214	0	26	0	626	4	253	1	108	2	9	142	2	3		

Ижрочи: Вилоят ҳокимининг ўринбосари
қотибияти мудири

Ж.Қаржаев

Қўп квартиралар турар жой фондини 2019/2020 йиллар куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

